

Туркиялик меҳмонлар «Hilol-nashr» нашриётига ташриф буюришди



17:00 / 16.05.2019 1713

2019 йилнинг 16 май куни Туркия Дин ишлари бошқармасининг бир гуруҳ вакиллари «**Hilol-nashr**» матбаа-нашриётига ташриф буюрди.



Меҳмонларни «**Hilol-nashr**» матбаа-нашриёти ва Islom.uz портали раҳбари Исмоил Муҳаммад Содиқ кутиб олди. Ташриф чоғида Дин ишлари

бошқармаси вакиллари билан самимий суҳбат бўлиб ўтди. Шундан сўнг меҳмонлар «**Hilol-nashr**» матбаа-нашриётининг босмахонаси, нашриёт таҳририяти билан яқиндан танишдилар ҳамда унинг савдо дўконини зиёрат қилдилар.





Шунингдек, меҳмонлар яқинда бунёд этилган Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги масжидга ҳам ташриф буюришди. Меҳмонлар

зиёрат асносида масжид барча қулайликларга эга, кенг ва шинам тарзда барпо этилганига урғу беришди. Учрашув икки томон учун ҳам манфаатли бўлди.





